

ТИЛШУНОСЛИК ТАХЛИЛ МЕТОДЛАРИ: ИНДУКЦИЯ ВА ДЕДУКЦИЯ

Маткаримов Санъат Хайитбаевич

ЎзДЖТУ, роман-герман филологияси факультети,
Француз тили амалий фанлар кафедраси стажёр-ўқитувчиси.

Аннотация: Тил қурилишининг табиати, лисоний бирликларнинг моҳиятига оид масалалар муҳокамасига бағишиланган ушбу мақолада замонавий тилшунослик фанидаги қатор долзарб муаммолар ҳақида сўз юритилади. Ҳар қандай илмий тадқиқотнинг самараси танланган таҳлил методлари ва ушбу методларнинг назарий асосланишига боғлиқ эканлигини инобатга олиб, асосий эътибор лисоний таҳлил методологиясига қаратилган.

Калит сўзлар: метод, методология, индукция, дедукция, эмпирик.

Аннотация: В данном статья, посвященном обсуждению вопросов, связанных с природой языковых конструкций, сущностью языковых единиц, говорится о ряде актуальных проблем науки современного языкознания. Учитывая, что эффективность любого научного исследования зависит от выбранных методов анализа и теоретического обоснования этих методов, основное внимание сосредоточено на методологии лингвистического анализа.

Ключевые слова: метод, методология, индукция, дедукция, эмпирический.

Annotation: This article, which is devoted to the discussion of issues related to the nature of language construction, the essence of linguistic units, talks about a number of current problems in the science of modern linguistics. Taking into account that the effectiveness of any scientific research depends on the chosen methods of analysis and the theoretical justification of these methods, the main attention is focused on the methodology of linguistic analysis.

Keywords: method, methodology, induction, deduction, empirical.

Методологик ёндашувлардаги ҳар хиллик, ноаниқликларга ва илмий хулосалардаги қатор қарама - қаршиликларга сабаб бўлмоқда. Ана шу нохуш ҳолатлар, сўзсиз, ёш тилшунос ҳамда тадқиқотчилар фаолиятида катта тўсқинликлар туғдиради. Ҳаммамизга маълумки, кўп асрлар давомида тараққий этиб келаётган тилшунослик фанида кенг миқёсдаги методлар мажмуаси шаклланган. Тил қурилиши таҳлили ҳам турли нуқтаи назардан, турли мақсад ва вазифаларни кўзлаган ҳолда бажарилиб келинмоқда

Энг ачинарлиси, лисоний таҳлил методологиясига оид адабиётлар ҳануз етарли эмас ва тил уммонини билиш, унинг муқаммал хусусиятларини ўрганиш ҳамда чексиз муаммолар ечимини излашга бел боғлаган ёш тадқиқотчилар қўплаб қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Ҳатто баъзан уларда бирор бир муаммонинг ечимига доир иккиланиш ҳолатлари ҳам пайдо бўлмоқда.

Фан соҳасида қўлланиладиган билишнинг восита ва амаллари умумлашмаси илмий тадқиқотлар методини ташкил қиласи. Тадқиқот методи, албатта, ўрганиш учун танланган обьектга монанд тарзда турли хил бўлиши мумкин. Шунинг билан биргаликда, тадқиқ методининг танланиши тадқиқотчининг борлиқка бўлган муносабати билан ҳам

белгиланади. Кейингиси алоҳида эътиборга лойик, чунки илмий тадқиқот ёки илмий тафаккур методологиясини белгилайди.

Кўпчиликка маълумки, методология инсон билиш фаолиятининг воситалари, мақсади ва назарий асосини аниқлаб беради. Методология доирасида тадқиқотчи воқеликдаги турли ҳодисаларни таҳлил қилиш тамойилларини танлайди, тадқиқот жараёнида эришилган натижаларни ўрганиш ва баҳолаш усулларидан фойдаланади. «Фалсафа» қомусий лугатида методология тушунчаси икки йўналишда таърифланади:

- 1) бирор фанда тадбиқ этиладиган тадқиқот усулларининг мажмуи;
- 2) илмий билиш ва дунёни ўзгартириш методи ҳақидаги таълимот.

Барча фан соҳаларида тадбиқ этиладиган билишнинг интеллектуал воситалари қаторига индукция ва дедукция амаллари киради. Ҳаммамизга маълумки, индукция алоҳида кузатувлар натижаларини умумлаштиришдир. Ушбу билиш фаолияти аниқликдан мавҳумликка йўналтирилади. Индуктив таҳлил тажрибадан тизимлаштиришга, тизимлаштирилган далиллардан эмпирик қонунлар кашфиёга, илмий хulosаларга интилади. Айнан худди шу йўсинда физиканинг массанинг сақланиши ва энергиянинг ўзгариши, умумий тортилиш қонуни каби қонуниятлари шаклланган. Тилшуносликда индуктив таҳлил асосида қатор саволларга жавоб изланиб келинмокда: Сўз қайдай хусусиятларга эга? Сўз туркумлари таснифи нимага асосланади? Турли сўз туркумлари бирликларининг ўзаро муносабати нимадан иборат? Гап таркибида сўзларнинг ўзаро бирикиш қоидалари қандай шаклланади? кабилар. Дедукция индукциядан фарқли ўлароқ, умумийликдан хусусийликка, қараб йўналтирилган билиш усулидир.

Дедукция воситасида тадқиқотчи бир синф, бир жинс, бир гурух нарса ёки ходиса тўғрисидаги умумий билимлардан уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида билимларни ҳосил қиласди. Қатор ҳолларда дедукция бевосита тажрибанинг айрим нуқсонларини бартараф қилиш имконини яратади. Масалан, дедуктив таҳлил асосида қуёш тизимидағи барча планеталар ва уларнинг йўлдошларининг массаси, улар ўртасидаги масофа, уст қисмлари иссиқлик даражаси кабилар аниқланган. Бу турдаги ўлчовларни тажриба ва кузатиш йўли билан бажаришнинг имкони йўқ. Дедуктив таҳлил асосида кўпгина ҳодисаларнинг воқеланиши ёки мавжуд бўлишини олдиидан фараз қилиш, айтиб бериш мумкин.

Дедуктив усулда муаммолар ечимини излаш илмий тадқиқот амалиётида муҳим ўрин эгаллайди. Буни биз, айниқса, ёзма ёдгорликлар матнлари мазмунини аниқлашга доир тадқиқотлар натижаларида сезамиз. Дедукция йўли билан лингвистик фаразнинг исботини излашга мисол сифатида Ф. Де Соссюрнинг қадимий ҳиид-европа тилларида ларингал товушлар мавжуд бўлганлиги ҳақидаги илмий фаразини эслатмоқчимиз. Кейинчалик бу тахмин чех олими Б.Грозний томонидан хетт тили ёзма битикларининг ўрганилиши жараёнида ўз исботини топди. Замонавий фалсафада иидуктив ва дедуктив воситалар ўзаро боғлиқ, эвристик фаолиятни таъминловчи ақлий таҳлил усуллари сифатида талқин қилинади. Ушбу усуллардан кайси бирини ўринли қўллаш масаласи бевосита илмий тадқиқотнинг икки босқичи, яъни эмпирик ва назарий босқичлари фарқи билан боғлиқдир.

Эмпирик тадқиқот дастлабки босқич бўлиб, унинг жараёнида оддий кузатиш ёки тажриба йўли билан далиллар тўпланади ва тизимлаштирилади. Ушбу мақсадда бажариладиган тадқиқотнинг асосий методи индукциядир. Лекин бу холатларда индуктив таҳлил маълум даражада яширин дедукция кўринишида кечади, чунки бу таҳлилнинг амалга оширилиши воқеликнинг яхлитлиги ва ундаги алоқалар умумийлигини инобатга олинишини тақозо этади. Назарий таҳлилда эса бошқача йўл тутилади. Бу таҳлил йўналиши

алоҳида тушунча ва тамойилларга асосланиб, воқеликнинг якка ҳодисалари ҳақида хуласаларга келинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Федоров А.В. Использование лингвистического эксперимента при изучении некоторых вопросов синтаксиса. «Русский язык в школе», 1969, № 1.
2. Чернышева И.И. Фразеология современного немецкого языка. М., 1970.
3. Чикобава А.С. Проблемы языка как предмета языкоznания. М., 1959
4. Чуковский К. Высокое искусство. М., 1941.
5. Djafarova, Dildora, Yaxshiboyeva Nodira, and Abdullayeva Zulfiya. "Socio-Cultural Memory and Its Reflection in French Phraseology." *Journal of Positive School Psychology* (2022): 2883-2889.
6. Yaxshiboyeva, Nodira. "Reconstruction of coloristic expressions in erkin azam's" noise" and" pakana's love"." Конференции. 2021.
7. Ilhomovna, Djafarova Dildora, and Bobokalonov Odilshoh Ostonovich. "Interaction of Language Games in the Articulation of "Historical Memory" Within French and Uzbek Phraseology." *American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education* (2993-2769) 2.1 (2024): 348-354.
8. Ilhomovna, Djafarova Dildora, Bobokalonov Odilshoh Ostonovich, and J. A. Yakubov. "Archaic Phraseological Units as Windows into "Historical Memory" in French and Uzbek Linguistic Traditions." *American Journal of Public Diplomacy and International Studies* (2993-2157) 2.1 (2024): 163-169.
9. Ilhomovna, Djafarova Dildora, Bobokalonov Odilshoh Ostonovich, and Yaxshiboyeva Nodira Ergashovna. "Contemporary Usage of Archaic Phraseological Units Expressing "Historical Memory" In Uzbek and French Languages." *American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education* (2993-2769) 2.2 (2024): 371-377.
10. Ilhomovna, Djafarova Dildora. "Phraseological Units Expressing" Memory"/" Mémoire" in Linguistics and their Analysis through Texts." *Best Journal of Innovation in Science, Research and Development* 2.11 (2023): 490-492.
11. Яхшибоева, Нодира. "Таржима жараёнида маданиятлараро мулоқотнинг социолингвистик хусусиятлари." Академические исследования в современной науке 2.17 (2023): 165-169.
12. Иногамова, Ф. М., and Н. Э. Яхшибоева. "Фразеологик маънонинг конвенциаллиги." Academic research in educational sciences 3.5 (2022): 1176-1182.
13. Яхшибоева, Н. (2023). Туристический дискурс как один из особых видов институционального дискурса. *International Bulletin of Applied Science and Technology*, 3(6), 879-884.
14. Яхшибоева, Нодира. "The role of tourism terminology in french." *O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI*, 2023,[1/4] (2023)